

## МОНИЙ ТАЪЛИМОТИ ВА ТАСАВВУФ ЎЗИГА ХОС ЎХШАШЛИК ВА ФАРҚЛАР

Hakimov Alisher Olimjanovich

Муҳаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялар университети доценти в.б. фалсафа фанлари доктори (PhD), Ташкент, Узбекистан.

### Аннотация:

В данной статье учение Мони оказало сильное влияние на первый этап развития суфизма, как и зороастризм, т. е. IX-X вв. Суфизм, существовавший до ислама у восточных народов, брал свои истоки из зороастризма и духовности, а также из индийской философии, испытал также влияние афлотунии, маздакии, гностицизма. Его философия раскрывала трактовку противоречий двух миров — мира света и тьмы.

**Ключевые слова:** монизм, суфизм, зороастризм, белый свет, черный свет (свет и тьма), блаженство и наслаждение.

Монийлик таълимоти дастлаб Эронда пайдо бўлган бўлсада, у ерда анъанавий динларнинг мавқеи анча баланд бўлганлиги сабабли, Моний таълимоти муваффақиятга эриша олмади. Натижада Моний Шарққа қараб ўз диний таълимотини тарғиб қилиш мақсадида сафарлар қилди. Хуросон, Ҳинд, Турон, Шарқий Туркистон ўлкаларида бўлиб ўз таълимотини тарғиб қилди. Юқорида санаб ўтган ҳудудлар халқлари кундалик ҳаётида Зардуштийлик таълимоти сингари ушбу таълимоти ўзининг беқиёс ўрнига эга бўлди.

Моний таълимоти зардуштийлик сингари тасаввуфнинг биринчи тараққиёт босқичида, яъни IX-X асрлар – хонақоҳларнинг пайдо бўлиши, тариқат расм-русумларининг шаклланиши даврида кучли таъсир кўрсатган. Шарқ тасаввуфшунослигида Саид Нафисий (1895–1966 эронлик тарихчи, таржимон ва ёзувчи) тасаввуф ва Моний таълимоти ўртасидаги муносабатларга кўпроқ тўхталиб ўтган. У Моний таълимотини тасаввуф сарчашмаларидан бири, деб ҳисоблайди ва бу фикрни исботлаш учун бир нечта далил келтиради: монавияда ҳам тасаввуфда ҳам етти та рухий–маънавий камолот босқичларини босиб ўтиш шарт ҳисобланади;



монавия таълимотида ҳам тасаввуфда ҳам шахс (солик, тариқат издоши) қайси ижтимоий табақа, қайси миллат ё мазҳабга мансублигидан қатъий назар, меҳнату риёзат ва даражаларни навбатма–навбат босиб ўтиш орқали энг юқори даражага–Комилликка эришиши мумкин;

Моний таълимоти Шарқ ва Ғарб ўртасидаги кўприкка ўхшайди. Унинг таълимотига яҳудий, насроний ва юноний каби Ғарб таълимотлари сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Тасаввуф эса Ғарб тафаккуридан нимаики олган бўлса, монийлик ойини орқали баҳраманд бўлган. Демак тасаввуф Ғарб тафаккуридан олдин шарқона таълимотлар ғалвиридан ўтган, Шарқ тафаккури билан мослашиб кетган ақидаларни қабул қилган;

монавийлар нуруний фикр, нуруний ҳис, нуруний ақлга ва шу билан бирга зулмоний фикр, зулмоний ҳис ва зулмоний ақлга мўътақид (эътиқодли одам) эдилар. Сўфийлар ҳам нури абъаз (оқ нур) ва нури асвад (қора нур) борлигига ишонардилар ва шайтонни нури асвад деб атардилар;

“хонақоҳ” сўзи форсийдаги “хонагоҳ” сўзининг арабийлашган шакли бўлиб, унга тааллуқли маросимлар илк бор хуросонлик сўфийлар томонидан бажарилган. Сўфийлар аслида хонақоҳ расму одобини монавийлардан олганлар [1 : 35, 51, 101, 104]. Моний таълимотига Ғарб тафаккури кучли таъсир ўтказган бўлса-да, у фақат мукошафа (бу сўзнинг ўзаги “кашф” бўлиб, “луғатда ошкор бўлмоқ маъносида ишлатилади, сўфия истилоҳида идрокдан узоқ ва ғайб пардаси ортида яширинган нарсаларнинг аён бўлиши ва кўринишидир”) [2:579] ва ишроқ (ишроқия фалсафий-ирфоний таълимот бўлиб, унинг асосчиси Шаҳобиддин Суҳравардий “Шайх ишроқ” лақаби билан машҳур эди. Бу таълимот Шарқ халқларининг исломгача мавжуд бўлган таълимотлари–зардуштийлик ва монавийликдан манба олиб, шунингдек ҳинд фалсафаси, афлотуния, маздакия, гностицизмдан ҳам таъсирланган. Унинг фалсафаси икки олам–нур ва зулмат оламининг зиддиятларини талқин этиб, борлиқни нуруланвордан иборат деб билади) йўли орқали илмни ҳосил қилиши мумкин деб ҳисобларди [3:128].

Ҳолбуки, Ғарб фалсафий-ирфоний мактабларнинг аксарияти кашфу ишроқ каби завқий ҳолатларга эмас, балки мантиққа ва исботга таянарди.

Тасаввуф аҳли ҳам мантиқий далил-исботларни эмас, балки мукошафа ва завқу ҳолни ҳақиқатга етказувчи муҳим воситалар сифатида эътироф этган (нафақат эътиров этганлар, балки бунга қатъий ишонганлар). Зеро:

Пойи истидолийён чўбин бувад



Пойи чўбин сахт бетамкин бувад. (Аттор)

Мазмуни: ақлий-мантиқий далилларга таянадиган кишиларнинг аҳволи ёғоч оёқда юрувчи кишиларга ўхшайди. Ёғоч оёқ билан манзилга етиш мушкул, чунки у майиб оёқни оғритади.

Эронлик тасаввуфшунос олим доктор Абулхусайн Зарринкўбнинг фикрича, исломий тасаввуфда баъзи ғайриисломий маросимлар ва ақидалар мавжудлиги табиий ҳолдир. Зеро, Сосонийлар сулоласининг инқирозига учрашидан сўнг бу минтақада ислом расмий дин сифатида жорий этилди ва ҳукуматга жазба беришга одатланган фуқаронинг закот ва садақа беришни ўрганиб олгунича бир неча авлод – бир асрдан кўпроқ вақт ўтди. Албатта, бу муддат ичида аксар эроний табақалар орасида зардуштийлик динининг қолдиқларидан ташқари масиҳийлик, яҳудийлик, буддавийлик, брахманлик ва монавийлик динлари ҳануз таъсир кучини йўқотмаган эдилар.

Тасаввуф ва монийлик ўртасидаги зоҳирий ўхшашликлардан бири рўза тутиш ва очлик орқали нафсга қарши жиҳод эълон қилишдир.

Бундан ташқари “уй қурмаслик, бирор касбу ҳунар билан шуғулланмаслик, дунёвий мол-матого ҳақорат кўзи билан қараш – монавийлик ва сўфийлик ўртасида яқинлик борлигидан далолат беради[4:19]. Монавийликнинг тасаввуф тариқати, хусусан, хонақоҳий тасаввуфга ҳам мазмун ва ҳам шакл жиҳатидан ўхшашлиги ҳақиқатдан хайратланарлидир. Довуд Тойи – тасаввуфнинг йирик намояндаларидан бири ҳақида шундай бир ривоят қилган: “Нақл қилишларича (унинг) кўп хонали катта саройи бор эди ва ҳар бир хонада вайрон бўлгунича яшаб сўнг бошқасига ўтарди. Дедилар: - Нега уйингни таъмирламайсан? Деди: - Мен дунёни обод қилмасликка Худо билан аҳду паймон қилганман”[5:30]. Моний ҳаёт давомида моддий дунё неъматларидан воз кечиб яшашга қатъий амал қилар ва фаолиятининг устувор вазифаси деб ҳисоблагани тарих сабоқларидан бизга маълум.

Тасаввуф Моний таълимотига кўпроқ сайру сулук тартиби жиҳатидан яқин. Бу яқинлик қанчалик сезиларли бўлмасин, Зарринкўб назарида оддий таъсирланиш, холос: “Монийларнинг доимий мусофаратга бўлган таважжуҳлари, ўзларининг хос савмааларида яшашлари, самоъ, мусиқа, шеър ва кўшиққа бўлган қизиқишлари – буларнинг барчаси уларнинг сўфийлар одобу ақидалари билан ҳамоҳанг эканликларини кўрсатади ва бундан сўфийлар улардан баъсир олганлар, деган эҳтимол келиб чиқади”[6:19]. Зарринкўбнинг тасаввуф ва Моний таълимоти тўғрисидаги мулоҳазалари



қимматли албатта. Аммо бу мулоҳазаларнинг хулосалари қониқарли эмас. Бу масалада Саид Нафисийнинг мулоҳазалари ва хулосалари диққатга сазовордир:

- Ғарб тафаккури тасаввуфга моний тариқати орқали таъсир ўтказган;
- Моний ва тасаввуф таълимотларининг пайдо бўлиши ва шаклланишида бир хил сиёсий-ижтимоий сабаблар мавжуд: ижтимоий адолатсизликка эътироз билдириш, инсон шарафи ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Даражаларни ўтиш ва сайру сулук тартибини сўфийлар монавийлардан иқтибос қилиб олганлар.

Бу борада рус шарқшуноси Е.Э.Бертельс ҳам айнан шу фикрни билдиради [7:85].

Хулоса ўрнида, Моний таълимоти тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида муҳим сарчашмалардан бири бўлиб хизмат қилган. Бундан ташқари ҳар иккала таълимотда сайру сулукида хизмат қилишнинг муштарак жиҳатлари мавжуд. Ҳар ҳолда тасаввуфнинг Моний таълимотидан қанчалик таъсирланганлиги муфассал тадқиқотни тақозо этадиган масаладир.

## REFERENCES

1. Нафиси Сайд. Сарчашма-йи тасаввуф дар Ирон. Тегеран, 1965. –С. 35, 51, 101, 104.
2. Аҳмад Алийи Ражойи–йэ Бухорий. Фарҳангэ ашъор–э Ҳофаз. Энтэшорот–э элми, 1970. –С. 579.
3. Муҳаммад Рашшод. Фалсафа аз оғози таърих. – Душанбе.: “Ирфон”, –С. 128.
4. Зарринқўб Абул Ҳусайн. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе: Ирфон, 1992. – Б. 19.
5. Фаридиддин Аттор. Тазеират ул-авлиё. – Душанбе.: “Ориёно”, 1992. –Б 30.
6. Зарринқўб Абул Ҳусайн. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе: Ирфон, 1992. – Б. 19.
7. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М: “Наука”, 1965. – С. 85.
8. Холмуминов, Д. М. (2021). ТАСАВВУФНИ ШАКЛЛАНТИРГАН МАНБАЛАР МУАММОСИ ҚИЁСИЙ ТАСАВВУФШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИДА. Исследование Ренессанса Центральной Азии, 2(2).
9. Nazarovich, S. A., & Olimjanovich, X. A. (2022). FEATURES OF PREVENTING METAMORPHOSIS OF SPIRITUAL AND MORAL

VALUES IN THE VIRTUALIZATION OF PUBLIC LIFE. International Journal of Early Childhood Special Education, 14(7).

10. Kholmuminov, J., & Juraev, N. (2020). The place and role of the sufi and philosophical order of the naqshbandi in the process of developing intercultural relations of the Tajik and Uzbek peoples. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(2), 308-317.
11. Жураев, Н. К. (1997). Место и роль политического лидера в условиях социально-политических реформ в Узбекистане.
12. Жураев, Н. К. (2021). ГЛОБАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОСТИ И ОБЩЕСТВО ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ КОНСЕНСУС, 2(1).
13. Khosimovich, J. N., & Almamatovna, R. T. (2021). Efforts to promote national ideology and national integration in india. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY, 2(1), 21-25.
14. Kholmuminov, J., & Narzulla, J. (2020). INFLUENCE OF VAHDAT UL-WOOJUDE PHILOSOPHY (UNITY OF BEING) ON NAKSHBANDIYA DOCTRINES Transformation processes and special features. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7(2), 297-307.
15. Kholmuminov, J., & Narzulla, J. (2020). INFLUENCE OF VAHDAT UL-WOOJUDE PHILOSOPHY (UNITY OF BEING) ON NAKSHBANDIYA DOCTRINES. Solid State Technology, 63(6), 26-34.
16. Juraev, N. (2020). Ibn haldun's historical philosophy (1332-1406). International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(1), 180-187.
17. ЖЎРАЕВ, Н. (2017). HISTORY IS A PHILOSOPHY OF A HUMAN, TIME AND PLACE. Иностранные языки в Узбекистане, (3), 212-225.
18. Jo'rayev, N., & Zamonov, A. (2004). O 'zbekiston tarixi. T.: Oqituvchi.
19. Мухаммад, Ж. (2011). Хожа Мухаммад Порсо ва унинг «Фасл ал-хитоб» асари [Хваджа Мухаммад Парса и его труд «Фасл алхитаб»]. СИНО маънавий-маърифий, илмий-адабий, фалсафийирфоний уч ойлик журнали.
20. Мухаммад, Ж. (2010). Кўзгу хайрати. Шеърий тўплам. Тошкент. «TAMADDUN».
21. Мухаммад, Ч. (2008). Таҷаллий. Маҷмӯаи шеър. Тошканд, Интишороти илмии давлатии «Доиратулмаорифи миллии Ўзбекистон», 44.



22. Холмўминов, Ж. (2008). Жомий ва вахдат ул-вужуд таълимоти [Джами и учение вахдат ал-вуджуд]/Масъул муҳаррир: Н. Комилов. Тошкент:«Ozbekiston milliy ensiklopediyasi», 232.
23. Халмуминов, Д. (2006, May). Влияние учения Ибн ал-‘Араби на развитию мистических аспектов суфийских орденов Центральной Азии. In Суфизм в Иране и Центральной Азии. Материалы Международной конференции. 2-3 мая 2006 года г. Алматы (р. 256).
24. Мухаммад, Ж. (1999). Мижғони офтоб. Маҷмӯаи ашъор. Душанбе, Интишороти “Оли Сомон, 55.
25. Kholmuminov, J., & Juraev, N. (2020). The place and role of the sufi and philosophical order of the naqshbandi in the process of developing intercultural relations of the Tajik and Uzbek peoples. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2), 308-317.
26. Холмуминов, Д. М. (2022). “ҚИЁСИЙ ТАСАВВУФШУНОСЛИК”: МЕТОДОЛГИЯ ВА ФАН. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ КОНСЕНСУС, 3(2).
27. Холмўминов, Ж. М. (2022). ЖОМИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ АСАРЛАРИДА “КОМИЛ ИНСОН” ТУШУНЧАСИНИНГ ШАРҲИ. О'ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(9), 344-347.
28. Холмўминов, Ж., & Раҳмонбердиев, И. (2022). ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИНИНГ ГЛОБАЛ АҲАМИЯТИ ВА ДОЛЗАРЪ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 145-153.
29. Sanakulov, A. N. (2019). MAINTENANCE OF THE WORLD OUTLOOK SECURITY IN THE INFORMATION SOCIETY. *Социосфера*, (4), 54-57.
30. Санакулов, А. Н. (2022, January). ВЫРАБОТКА ИНФОРМАЦИОННОГО ИММУНИТЕТА-КАК ЗАЛОГ ПОВЫШЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ ЛЮДЕЙ. In *Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference (Vol. 2, No. 1)*.
31. Sanaqulov, A. N. Prospective Directions of Effective Use of Virtual Technologies in Increasing the Power of Youth. *JournalNX*, 897-903.
32. МАМАРАСУЛОВИЧ, А. В. (2020). ИНСОН ФАОЛИЯТИДА АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ. Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха.



33. Абсатторов, Б. М. (2022). ТАСАВВУФ–ЎЗ–ЎЗИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШ ЙЎЛИ СИФАТИДА. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 167-173.
34. Абсатторов, Б. (2019). ШАХС МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИГИ МЕЗОНЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ. *Scienceweb academic papers collection.*
35. МАМАРАСУЛОВИЧ, А. В. (2020). ИНСОН ФАОЛИЯТИДА АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ. *Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха.*
36. Khakimov, A. (2021). THE ROLE OF POLITICAL AND LEGAL CULTURE IN ENSURING CIVIC RESPONSIBILITY IN SOCIETY. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.2 Historical sciences).
37. Nizomi, A. B. M., & Al-Khorazmi, K. A. O. (2022). Sufism as a way of self-implementation and knowledge of the truth. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 199-204.
38. ҲАКИМОВ, А. О. (2017). ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУН БИЛАН ҲИМОЯЛАНИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ. *Научная дискуссия: вопросы юриспруденции*, (5), 164-167.
39. Qaxhorova, M. (2022). БИОЭТИКА ИНСОН ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ АМАЛИЙ ФАЛСАФАСИ СИФАТИДА. *NamDU.*
40. Qaxhorova, M. (2022). ЖАДИДЧИЛИК ТАЪЛИМОТИДА ЖАМИЯТ МУҲИТИНИ АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Теория и практика современной науки.*
41. Qaxhorova, M. (2022). Ma'naviy tarbiya strategiyasi. *Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа.*
42. Tulenova, G., & Sanaqulov, A. (2022). MODERN VIRTUAL TECHNOLOGY AND ITS OPPORTUNITIES. *Academic research in educational sciences*, 3(9), 100-105.
43. Касимова, З. С., & Санакулов, А. Н. (2019). ВЫСОКАЯ ДУХОВНОСТЬ- КАК ФАКТОР ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ. *European Journal of Humanities and Social Sciences*, (1), 168-172.
44. Sanakulov, A., Rakhmonov, D., & Nazarova, N. (2020). Social Service Technologies and Mechanisms of its Implementations. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(3), 14192-14198.



45. Mukhammadievich, K. J., & Mamarasulovich, A. B. (2022). POSITION OF AL-FARABI AND IBN SINA IN THE CONFLICT OF PHILOSOPHY AND SUFISM. *Conferencea*, 46-56.
46. Mukhammadievich, K. J., Mamarasulovich, A. B., & Olimjanovich, X. A. (2022, December). THE POSITION OF AL-FARABI AND IBN SINA IN THE CONTROVERSY OF THE HISTORY OF PHILOSOPHY AND SUFISM. In *E Conference Zone* (pp. 17-25).
47. Абсатторов, В. М. (2022). ТАСАВВУФ–ЎЗ–ЎЗИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШ ЙЎЛИ СИФАТИДА. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 167-173.
48. Absattarov, V. M. (2019). EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS. In *НОВАЯ НАУКА: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 135-141).
49. Absattarov, V. M. (2019). SPIRITUAL AND MORAL DEVELOPMENT OF THE PERSON IN MODERN WORLD. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 4(2), 167-173.

